

## SCHOOL EDUCATION IN TURKESTAN IN THE MIDDLE OF THE XIX CENTURY AND THE BEGINNING OF THE XX CENTURY

Abdurahim Khasanovich Khasanov

Associate Professor, Specialists in Physical Education and Sports

Retraining and Advanced Training Institute

### ABSTRACT

Information about the history of school education in Turkestan, educational process, teachers who taught in schools, their potential, level, teaching methodology, conditions created for studying at school, what books and subjects were taught.

**Keywords:** School, reading room, reading rooms, tahtkhans, abjad-khans, haftiyakkhan, those who read the Koran, domlalar khalfa (substitute), lesson, reading and writing in the old school, moral education

### АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается об истории школьного образования в Туркестане, в статье освещается краткая история медресе, как построен школьное здание, ход учебного процесса, какие предметы изучают дети, имеются ли учебники для школьников и их название, кто преподает в школе, какие они имели методику преподавания и, т, д,

**Ключевые слова:** школа, дамиля (учитель), халфа, нравственное воспитание

## XIX ASRNING ʻURTALARI VA XX ASR BOʻSHLARIDA TURKISTONDA MAKTAB TAʼLIMI

Абдурахим Хасанович Хасанов

Доцент, Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни

қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти

### АННОТАЦИЯ

Туркистонда мактаб таълими тарихи, ўқув жараёни, мактабларда дарс берган ўқитувчилар, уларнинг салоҳияти, савияси, ўқитиш методикаси, мактабда ўқиш учун яратилган шаритлар, қандай китоб ва фанлар ўқитилгани ҳақида мақолада маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** мактаб, қорихона, далоилхоналар, тахтагонлар, абжад-хонлар, ҳафтйакхон, қуръон ўқиётганлар, домлалар халфа (ўринбосар), сабоқ, эски мактабда ўқиш ва ёзиш, ахлоқий тарбия.

Ватанимизда қадим-қадимдан маърифат ўчоқлари - мактабларнинг ва илм даргоҳлари — мадрасаларнинг ўзига хос ўқитиш услублари ва анъаналари, халқимиз томонидан яратилган таълим-тарбиянинг бетакрор шакллари мавжуд бўлганки, улар асрлар давомида секин-аста такомиллашиб борган. Қайсики миллатда илм ўрганишга рағбат,

тараққиёт йўлида интилиш бор экан, ушбу жараён давом этаверади. Ўтмишда мактаб қандай бўлган, қайси илмлар, қай услубда ўргатилган? Бизнинг бугун ислоҳ қилаётган, такомиллаштираётган таълим тизимимизда эски мактабдан ўрганишимиз, эътиборга олишимиз мумкин бўлган жиҳатлар борми? Ушбу мақола ана шулар ҳақида.

Туркистон ўлкасида ёшларга бошланғич маълумот берадиган мактаб, ўрта ва олий маълумот берувчи мадрасалар мавжуд эди. Булардан ташқари қорихона ва далоилхоналарда ҳам кишилар диний таълим ва тарбия олганлар.

Қорихонага мактабни битирган ўспиринлар олинган. Бу ерда фақат Қуръонни ёддан ўқиш ўргатилган. Бунинг учун ўртача 3-4 йил керак бўлган. Қорихонани муваффақиятли битирган киши 30 пора Қуръонни ёддан айтиб берган. Қорихонада таълим берувчи “қори домла”, қорихонани битирганлар эса “қори” деб аталган. Агар қироати жуда яхши ва ўзи хушовоз бўлса, бундай қорилар “қорини қурро” дейилган. Қорихоналарда узоқдан келганлар учун хужралар бўлган. Бу хужраларда 3-4 қори бемалол яшаган. Бу ерда кўзи ожизлар ҳам шариат қоидалари билан таништирилган, ислом фарзларини бажаришга ўргатилган за улар ҳам Қуръон сураларини қори домло ёрдамида ёд олишган. Туркистонда қорихоналар жуда кўп бўлган улар вақф даромадлари ҳисобидан таъминланган.

Масжид ва хонақоҳлар қошида далоилхоналар бўлган. Бу мактабда XV асрда мусулмон олимлари томонидан ёзилган, Муҳаммад алайҳиссалом ва авлиёларнинг ҳаётларидан олинган ҳикматли ҳикоялар, мусулмонларнинг фарз амаллари тўғрисида, шариат қоидалари тўғрисида таълим берувчи “Далоил ул-хайрот” (Яхшиликларга бошловчи) китоби ўқитилган. Етти қисмдан иборат бу китобнинг ҳар бир қисми ҳафтанинг маълум кунини ўқишга мўлжалланган. Бу мактабда намоз ўқиш қоидалари ҳам ўргатилган.

Туркистонда мактаблар масжид хужралирида, алоҳида ховлиларда, хоналарда, кўчманчиларнинг ўтовларида, хатто катта чинор ва қайрағочларнинг ковакларинида ҳам бўлган.

Мактабда ўғил болаларни одатда эркак киши ўқитган ва халқ уни домла деб атаган. Қиз болаларни эса аёл киши ўқитиб, у отинойи (отинбиби) деб юритилган. Ўғил болаларни кўпинча мачитнинг имоми, муаззини ёки мадрасада бир оз таҳсил кўрган кишилар ўқитган. Отинойилар кизларни; одатда, ўз уйида ўқитган.

Қизлар мактабхоналарининг сони ўғил болалар мактабларидан анча оз, ҳар бир отинойида ўқиган қизларнинг сони домлада ўқиган ўғил болаларнинг ярмисидан ҳам кам бўлган. Кўпчилик қизларга ота- оналари уйда илм берган. Мактабхонани битирган қизларнинг кейин кириб ўқиши учун бошқа ҳеч қандай юқрироқ мусулмон мактаблари бўлмаган, аммо ўғил болалар қорихона ёки мадрасага кириб ўқий олган.

Мактаб одатда маҳалла ёки қишлоқдаги бир неча бадавлат одамларнинг ташаббуси билан очилган. Бу кишилар томонидан тавсия килинган киши домлалик қилган. Мадрасада ўқиб мактабдорлик қилаётган кишилар халқнинг назарида жуда яхши домла ҳисобланган. Деярли ҳар бир домланинг ўз ўқитиш услуби бўлган. Шунинг учун эски мактабларда ўқитиш услублари ниҳоятда хилма-хил, хатто, бир шаҳарнинг икки даҳасидаги эски мактабларнинг таълим-тарбияси бир- биридан фарқ қилган.

Баъзи домлалар болаларнинг мактабхонадан ташқарига чиқиб келишини тартибга солишда “қулоқ чўп”дан фойдаланишган. Қулоқ чўп қалам йўғонлигидаги иккита чўпни

бир-бирига ип билан бир томонидан туташгириб боғлаб ясалган. Болалар кўп бўлган мактабларда қулоқ чўп 2-3 та бўлиб, мактабхона эшиги ёнидаги қозикка илиб қўйилган. Ҳожатга чиқиб келиши керак бўлган бола қулоқ чўп жойида турган бўлса, ўрнидон туриб, икки қўлини қовуштириб: “Домла, одоб!” деган. Домла қулоқ чўпнинг қозикда турганини кўргач, бошини қимирлатиб, рухсат берган. Бола қулоқ чўпни қулоғига илиб, ташқарига чиқиб кетган. Домла қулоқ чўп ўз жойига илинмагунча, бошқа болаларга рухсат бермаган. Хуллас, қулоқ чўпи болаларни “ҳожатга” чиқиб-келиб ту ришларини тартибга солишда домлага ёрдам берган.

Пайшанба кунлари мактабдорлар халфанинг ёрдами билан болаларнинг озодалигини, тирноқларини кўздан кечиришган. Болалар ўринларидан туришиб, икки қўлларининг бармоқларини жамлаб туришган. Тирноғи ўсган болаларни уришган.

Болани неча ёшдан мактабга бериш қатъий белгиланмаганди. Бойлар 5-6 ёшдан, кўпчилик эса 6-8 ёшдан боласини мактабга берарди. Ўқиш муддати, болаларни мактабга қабул қилиш вақти ҳам қатъий белгилаб қўйилмаган. Бола йилнинг қайси вақтида мактабга олиб келинса, домла уни қабул қилаверган.

Мактабларда ўқиш йил бўйи давом этган. Жума кунлари, Рамазон ва Қурбон ҳайитларидан бир ҳафта олдин ва бир ҳафта кейин, Наврўз кунлари 3-4 кун ўқиш бўлмаган. Баъзан ўқувчилардан бири бир китобдан иккинчи китобга ўтса ҳам 1-2 кун ўқиш бўлмаган.

Кимнинг дарсга келмаётганини домла қаттиқ, назорат қилган. Агар бирор бола дарсга келмай қўйса, домла унинг уйига ўқувчилардан бирини юбориб дарсга келишини талаб қилган. Шунда ҳам келмаса, боланинг отасига бу ҳақда эслатишган. Шундан сўнггина катта ёшдаги бир неча ўқувчи боланинг уйига бориб, уни олиб келганлар. Унга қандай жазо беришни домланинг ўзи белгилаган. Бу бошқа дангаса болаларга ҳам ўрнак бўлган.

Домланинг олдида турли узунликдаги бош бармоқ, йўғонлигида 3 та калтак бўлган. Бу калтаклар бизга тушунтирганларидек болаларни аёвсиз калтаклаш учун эмас, балки китобини ўқимай бошқа иш билан банд бўлиб турган болани бошқаларнинг фикрини бўлмаслик учун секин калтак билан туртиб қўйишга, огоҳлантиришга мўлжалланган. Агар бола домла айтаётган нарсани яхши такрорлаб беролмаса ёки топшириқни бажармаса баъзи домлалар уни калтак ёки тарсаки билан урган. Домланинг ҳар қандай жазосини ота-она ҳам тўғри деб ҳисоблаган. Энди шу ҳолатни ҳозирги кунга таққослаб, ўқитувчи тарсакилаган боланинг ота-онаси бунга қандай муносабатда бўлади, ота-она қандай жазовага тушади? - деб ўзимизга савол берайлик ва жавобини ҳам ўзимиз берайлик.

Болалар ўқиб турган нарсаларига қараб гуруҳларга бўлиниб ўтирганлар: тахтагонлар, абжад-хонлар, ҳафтиякхон, қуръон ўқиётганлар ва ҳ.к. Болалар биз тушунган маънода синфдан-синфга кўчирилмаган, балки ўқиб турган китобига қараб таҳсил кўриб борган. Болаларнинг билимига ҳозир биз билгандай баҳо қўйилмаган. Агар бола ўқиган сабоғини домлага “ўтказса”, яъни яхши ўқиб берса, дарсни ўрганган ҳисобланган. Боланинг ўқиши домлага жуда ёқиб кетса, домла “баракалло” деб қўйган.

Домла ҳар куни дарсни шогирдларнинг сабоғини ўқитиб кўриш ва янги сабоқ беришдан бошлаган. Лекин бунда ҳамма домлалар учун умумий бир қоида бўлмаган. Кўпчилик домлалар дарсини пешқадам болаларнинг (катта китобхонлардан) сабоғини ўқитиб



кўриш, уларга янги сабоқ беришдан бошлаган, кейин ўрта китобхонлар билан шуғулланган. Шундан кейин қуйи гуруҳдаги болаларнинг сабоғини ўқитиб кўрган ва янги сабоқ берган. Лекин ҳар кунги дарсни ўрта китобхонлардан бошлайдиган ёки дарсни мактабхонадаги болалардан бир чеккадан сабоғини сўраб, янги сабоқ беришдан бошлайдиган домлалар ҳам бўлган.

Бу ўқитиш тартибида сабоғини ўтказиш керак бўлган бир бола ёки шу сабоқни ўтказадигац бир неча бола домланинг олдига келиб, чўкка тушиб ўтириб, болаларнинг бири ўтилган сабоқни китобдан ўқиган, бошқалари қараб турган, агар у бола сабоқни домлага “ўтказса”, домла уларнинг ҳаммасига янги сабоқ берган, “ўтказа” олмаса, эски сабоқни такрорлаш буюрилган. Шундан кейин домланинг олдидаги болаларнинг ҳаммаси ўз жойига бориб ўтириб, ўзича сабоғини ўқийверган. Ва шу сабабли кўпгина мактабхоналардан болаларнинг шовқини кўчага эшитилиб турган.

Мактаб домлалари каттароқ ёшдаги ва ўзлаштирувчи шогирдларидан ўзларига халфа (ўринбосар) тайинлаганлар. Домла қуйи гуруҳ шогирдларнинг сабоғини ўқитишни халфаларга топшириб қўйган. Домла ўзининг баъзи ишлари билан банд бўлиб, мактабга келолмай қолган кунларда болаларга халфа (ўринбосар сабоқларини ўқитиш халфаларга топширилган. Шу сабабли мактабларда халфаларнинг изми-ҳукми катта бўлиб, болалар улардан кўрққанлар.

Давлат эски мактабларга ҳеч қандай маблағ сарфламаган. Деярли ҳамма эски мактаблар болаларнинг ота-оналари ҳисобига очилиб, фаолият кўрсатган. Баъзи мактаблар мадраса ёки қори хоналар қошида очилган бўлса, вақф даромадидан фойдаланган.

Мактаблар хусусий бўлгани учун домла ва отинойилар тайинли иш ҳақи - маош олмаган. Улар асосан ўғли ёки қизи мактабхонада ўқиётган ота-оналарнинг бериб турган турли таомлари (хонадонда бирор тансиқ таом тайёрланса, домла ва отинойига ҳам берилган), кийим кечаги, хуллас, ҳиммати эвазига рўзғор тебратган. Қишлоқларда эса домланинг “иш ҳақи” учун ота-оналар дон ёки мол берган.

Бола биринчи марта мактабга олиб келинганда ичига 5-6 та нон, мевалар, дўши, чорси, яқтак ёки тўн солинган дастурхон домлага олиб келинган. Ҳар пайшанба куни нон, гуруч, дон ёки палов олиб келинган. Баъзи ота-оналар пул беришган. Домланинг уйини, мактабхонани қишда иситиш учун ёқилғилик - ўтин-кўмир беришган. Бола ўқишни бошлагандаёки бир китобни тугатиб бошқасига ўтганда, ота-оналар домлага “озодлик” - олиб келинадиган дастурхон, совға ёки пул). Ўзига тўқ оилалар домла ни уйига чақириб, зиёфат қилганлар, сарпо кийдирганлар. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари арафасида домлага ҳар хил совғалардан иборат ийдлик юборишган. Ҳар бир ота-она ўз шароитига қараб домлага нарса берган.

Домлага “нашрах ўқишдан ҳам даромад келиб турган. Домла хушовоз болаларга мазмуни халққа тушунарли шеърларни ёдлаттирган. Ўзида ўқийдиган бирор боланинг тўйи бўлишини эшитса, тўй куни 2-3 болани тўйхонага юборган. Улар ош тортиладиган вақтда баландрок, ерга чиқиб олиб, баланд овозда шеър айтганлар - нашрах ўқиганлар. Тўй боланинг ота-онаси, қариндош-уруғлари ва баъзи кишилар нашраххонлар белига боғлаб олган қаламдонга пул ташлаганлар. Бу пулларнинг ҳаммаси домлага берилган.

Мактабда ўқиш ва ёзиш бир вақтда ўргатилмаган, аввал фақат ўқишга ўргатилган; ўқишни билиб, аммо ёзишни сира билмай, мактабхонани битириб чиқадиганлар ҳам кўп

бўлган. Ўқишга ўрга тиш “қуръон хати”ни танитиш билан бошланган; кейин, қайси тилда бўлишидан қатъий назар, турли китоблар ўқитилган.

Ўқиш ҳижо (бўгин) усули билан ўргатилган. Ўқишга ўргатишнинг “ҳижжаи қадимий” деб аталган бу усули асрлар давомида ҳеч қандай ўзгаришсиз давом этиб келган. Мактабхонага янги келган болага бир неча кичик-кичик сура ёдлатилган. Бу суралар орасида, кўпинча “Бисмиллоҳи...” сурасидан кейин “Қалимаи шаҳодат”, яъни мусулмонликнинг биринчи шарти ҳам ўргатилган. Шундан кейин араб алифбосини ёдлатиш бошланган. Бола уйдан ҳар икки томони рандалаб силлиқланган махсус тахта олиб келган. Мактабдор тахтанинг бир томонига қора сиёҳ билан арабча ҳарфларнинг алоҳида ёзилиш шаклини алфавит тартибиде, аммо бандларга бўлиб-бўлиб ёзиб берган. Ҳарфларни ўрганишга тушган болалар “тахтахон” дейилган. Бу воқеа ҳам боланинг уйида нишонланган.

Бўгинларни қўшиш “абжад ўқиш” билан бошланган, болалар абжадхон бўлган. “Абжад” асли араб алифбосидаги 28 ҳарф иштирок этган саккизта сўздан иборат. Бу саккизта сўздаги ҳар бир ҳарф маълум рақамни ҳам билдирган. Домлалар болаларга “абжад ҳисоби”ни ҳам ўргатишган, айрим домлалар эса абжаддан кўпайтиришни ўргатган. Бу даврда бола “абжадхон” деб аталган.

“Абжадхонлик” тугагандан сўнг болага “Ҳафтияк” ўқитилган. Унда Қуръондаги ҳажми кичик, халқ ўртасида кўпроқ қўлланиладиган суралар берилган. Ҳафтиякнинг тахминан 13-14 сураси ҳижо усулида ўқитилган. “Ёсин” ёки “Таборақ” сурасидан бошлаб эса сўзни “ҳижо”лаб эмас, бир бутунича “ўқиш” усулига ўтилган. “Ҳафтияк” одатда бир-икки йил ўқитилган. Бу вақтда бола “китобхон” деб аталган. Лекин кўп ҳолларда мактабдор зеҳни ўткирроқ, болаларни “Ҳафтияк”ни бошидан охиригача ўқитмай, тезроқ, Қуръон ўқишга тушира берган. Бу ҳодиса боланинг уйида нишонланган. Домлага совға берилган ёки уйга зиёфатга чақирганлар. Ўқувчини эса “Қуръонхон” деб атай бошлаганлар.

Ҳафтиякни ўқиб туширган кўпчилик болалар мактабда ўқишни тўхтатганлар. Уларга, биринчидан, Қуръондан сура ўқий оладиган даражага етиш кифоя қилса, иккинчидан, оиласининг молиявий аҳволи билан ҳам боғлиқ эди.

Мактабхонада Қуръон (“Қаломи шариф”) маълум даврда эмас, балки бола бошқа китобларни ўқиётганида ҳар ҳафтада 2-3 марта ўқитиб борилган, уни ўқиб туриш болаларнинг ўзига ҳам топширилган.

Ҳар ҳафтада якшанба ва пайшанба куни болаларга ислом дини қоидалари баён қилинган “Шароитул имон” китоби ўргатилган. Бунда “Шароитул имон”ни пишиқроқ, биладиган бир бола савол берган, бошқа ҳамма болалар саволга баравар жавоб қайтарганлар. Баъзи домлалар “Шароитул имон”нинг матнини яхши ёдлаб олган бирон боланинг ўзига айттириб, уни бошқа болаларга намуна қилиб кўрсатган. Хуллас, мактабдорлар турли усулларни қўлла шиб, “Шароитул имон”ни ҳамма болаларга пишиқ-пухта ёд олдиришга ҳаракат қилишган.

Болалар Қуръон хатларини бир оз ўқий оладиган бўлганларидан кейин “Чоркитоб”(Чаҳор китоб)ни ўқишга кўчганлар. Бу китобда диний ақидалар форс тилида баён қилинган. “Чоркитоб”нинг уч китоби назм, бир китоби наср бўлиб, биринчи китоби Шарофиддин Бухорийнинг (IX аср) “Номихақ”, иккинчи китоб Қози Азмудининг “Бидон”, учинчи китоб Жа- лолиддиннинг «Мухумотул муслимин», тўртинчи китоби Муҳаммад ибн Иброҳим

Фаридиддин Аттор нинг (XII аср) “Панднома” асари бўлган. Чор китоб ўқиб тугатилиши билан мактабдаги ўқиш ҳам асосан тугатилган.

Чоркитобнинг 2-китоби ўқитилаётганда халқ ўртасида машҳур бўлган “Саботул ожизин” китоби бошланган. Демак, бу даврда Қуръон, Чоркитоб ва Саботул ожизин тенг ўқитилган. Баъзи қишлоқ мактабларида Сўфи Оллоёрдан кейин ўқиш тугаган. Аммо шаҳар мактаблари ва бошқа қишлоқ, мактабларида Сўфи Оллоёрдан кейин бир неча китоблар ўқитилган. 1899 йил 21 июлда Самарқанд уездига қарашли участка бошқарувчисининг Самарқанд уезди бошлиғига юборган рапортида мактабларда “Ҳафтияк”, “Чоркитоб”, “Сўфи Оллоёр”, “Хўжа Ҳофиз”, “Амир Навоий” ва “Бедил” китоблари ўқитилаётганлиги ҳақида маълумот берилади. 1909 йилда Туркистон халқ маорифи бош инспекторининг топшириғи билан Сирдарё вилоятидаги мактабхоналарнинг ўқув китоблари махфий текширилган. Бу текширишдан “Ҳафтияк”, “Чоркитоб”, “Сўфи Оллоёр”, “Хўжа Ҳофиз”, “Амир Навоий” ва “Бедил”, “Қаломи шариф”, “Фузулий”, «Маслакул муттақин» китоблари ўқитилиши аниқланган. “Маслакул муттақин” назм билан ёзилган диний китоб бўлиб, унда ислом ақидалари баён қилинган. “Сўфи Оллоёр”дан кейин бошқа китоблар ўқитилган мактабларда Сўфи Оллоёрнинг охириги бўлими ўқитилмай, “Хўжа Ҳофиз”га ўтилган. Бу китоб форс адабиётининг буюк вакили Ҳофиз Шерозий тахаллуси билан шуҳрат қозонган Шамсуддин Муҳаммад ўғлининг (1300-1389) “Девони Хўжа Ҳофиз” номли шеърый тўпламидир.

Эски мактабларда Алишер Навоийнинг “Девони Навоий”, “Амир Навоий”, “Мавлоно Амир Навоий”, “Қуллийети Амир Навоий” каби номлар билан нашр қилинган шеърлар тўплами ўқитилган. Бу тўпламлар номаълум кишилар томонидан, асосан “Ғаройиб ус-сиғар” ва қисман “Наводир уш-шабоб” девони асосида тузилган. Бу китобларнинг ўқиб тугатилиши билан мактабда ўқиш тўла яқунланган ва ҳоҳловчилар мадрасага кириб ўқишлари мумкин бўлган.

Бола “Сўфи Оллоёр”ни, баъзан эса “Хўжа Ҳофиз”ни ўқий оладиган бўлганидан кейин “хатга тушган”. Бу - умумий қоида бўлган бўлса ҳам, болани ёзишга ўргатилиши, яъни “хатга тушиши” кўпроқ мактабдор домлага боғлиқ, бўлган. Агар у ҳоҳласа, болалар бу китобларни ўқимай турибоқ, уларни “хатга туширган”.

Бола дуойи салом ёзишни билса, унинг “хати чиққан” ҳисобланган. Аммо домлалар хат ёзишни яна такомиллаштириш учун “Тахта ёзиш” машқини ҳам берган. Баъзи болалар эса ўқув китобларини кўчириб ёзишни ҳам машқ қилган. “Сўфи Оллоёр”, “Хўжа Ҳофиз”, “Навоий” китобларини бошидан охиригача кўчириб ёзиб, домлага тақдим этган. Бундай ҳусни хати чиройли болалар кейинчалик котиб ёки мирза бўлганлар. Баъзи мактабларда домла катта ёшдаги болаларга арифметиканинг тўрт усулини ўргатган. Лекин бундай мактаблар озчиликни ташкил қилган.

Мактабларда ўқиш жараёнида домлалар ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор берганлар. Дарслар тугашидан олдин домла жамоат жойида, оилада, ота-онага мунасабатда ўзини қандай тутиш лозимлигини ўқувчилардан такрорлашни талаб қилган. Хуллас, мактаб фақат жамоат орасида эмас, балки оилада ҳам киши ўзини қандай тутиши лозимлигини ўргатган. Ўзидан кат-тани сенсирамаслик, салом бериш, ота-она чақирганда “ҳа” демасдан “лаббай” деб жавоб бериш каби одоб нормаларини домла ҳар кун такрорлаган. Кайковуснинг “Қобус нома, Қошғарийнинг “Адаб ус-солиҳин» асаридан, Навоий, Сўфи



Оллоёр, Фузулий, Махтумқули каби шарқ алломалари асарларидан ахлоқ-одобга оид ҳикоятлар ўқувчиларга ўқиб берилган ва тушунтирилган. Болаларга одамлар кўп жойда эмас, балки четроқда ўйнаш лозимлиги, вақтни беҳуда ўтказиш ўрнига ота-онага уй ишларида кўмаклашиш зарурлигини домла доимо таъкидлаб турган.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаев Й. Эски мактабда хат-савод ўқитиш. Тошкент, 1960.
2. Айний С. Эски мактаб. Тошкент, 1955.
3. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. Москва, Изд-во АН СССР., 1960, 510-бет.
4. Гейер И.И. Туркестан. Ташкент, 1909.
5. Добросмыслов А.И, Ташкент в прошлом и настоящем, Ташкент, 1911-1912.
6. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Ленинград. изд-во АН СССР. 1927 г.
7. Азадаев Ф. Ташкент во второй половине XIX века, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1959, 242-бет.
8. Бобобекв Х. Қўқон тарихи. Тошкент. Фан. 1996.